

# ҚИШЛОҚ ЖАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 26 (6.239). Сотувда эркин нархда

## ДУНЁГА ЙЎЛ



Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган ички ва ташқи сиёсат натижаси ўлароқ, Ўзбекистон халқаро майдонда ўзига муносиб обрў-эътибор қозонди. Бунда БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

(1-2-саҳифаларда)

## ОЙ НУРИГА ЧОЙ ҚАЙНАТИШ МУМКИНМИ?..

Афсуски, иқтисодий жиҳатдан ночор, ҳаракатлари банд ҳўжалиқлар фақат Пахтаобод туманидагина мавжуд десак, янглишган бўламыз. Умуман иқтисодий бўҳронга чинакам давони ислоҳотларнинг бориши ва унинг таҳлилларига бера олади.

(1-2-саҳифаларда)

## БАҲОР КУЙЧИСИ



Бу шабадалар баҳор аёмининг ибтидоси, уёғониш фаслининг дастлабки дарақчиларидир. Бу... ХХ асрнинг мумтоз шоираси Зулфияхонимнинг таваллуд тоғлан куллари.

(4-саҳифада)



### Кичик ва хусусий тадбир-корликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Андижонда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган йил якунлари ва Президент Исрол Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2001 йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича устувор йўналишларга бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиқувчи вазифалар муҳокама этилди.

● Банкларо молия хизматлари марказида «Ўзбекистон Республикасининг пластик картончалар бўйича миллий процессинг марказини яратиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон Гольф уюмаси тасвирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда республикамиз учун спортнинг ушбу янги турини тарғиб қилиш ҳамда ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

● Тошкент вилояти «Маънавият ва маърифат маркази» ҳамда маданият ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланг дўстлик кечаси ўтказди.

● Бухорода Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари вакиллари иштирокида «Аёллар муаммолари, оила ва бизнес» мавзусида халқаро анжуман бошланди.

● «Асака» банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида банкнинг 2000 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида муҳокама қилинган масалалар қўриб чиқилди.

● Андижон муҳандислик-иқтисодий институтининг кутубхонаси иқтисодиёт, чет тилларга оид янги китоблар, аудио ва видео материаллар билан янада бойиди. Уларни институтга Германиянинг DAAD академик алмашув хизмати ҳаёда этди.

● Фарғона вилоят ҳокимлиги «Оналар ва болалар» йилда вилоят кешик мактабларида спорт-соғломлаштириш иншоотлари қуриш ташаббуси билан чиқди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Миллий хавфсизлик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов бошқарди.

Йиғилишда ҳарбий қурилишнинг долзарб масалалари, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга доир муҳим чоралар, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўпуровчи-террорчи гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган тажовуздан ва бошқа жиноий таҳдидлардан муҳофаза қилиш самардорлигини оширишга доир вазифалар қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ҳудудларига жиноятчи тўдаларнинг ҳарбий таҳдидлари тақдорлигининг сабаби, авваламбор наркотик қўлами кенгайиши ва минтақада диний экстремизмнинг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, мамлакатимиз хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга доир самарали чоралар қўрилишини тақозо этмоқда. Бундай шароитда мамлакатнинг ягона мудофаа тизимини, қўшинлар, ҳарбий қисмлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг ишончли механизмларини тақомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

2000 йилнинг ёз-куз мавсумларида Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларига суқилиб қирган террорчи жиноятчилар тўдаларини тўхтатиш ва йўқ қилиш борасида олиб борилган операциялар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий округлар қўмондонлиги, ҳарбийлаштирилган вазирликлар ва идоралар олдига мамлакат Қуролли қучлари қўшилмалари ва қисмларининг ҳарбий тайёргарлигини янада тақомиллаштириш, уларни замонавий қурол ва техника билан таъминлаш, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлай оладиган тезкор ва профессионал тайёргарлик қўрган бўлинмаларни шакллантириш масалалари қўйилди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

## Кўчат эккан етар муроғда



Республика Вазирлар Маҳкамасининг 21-февралдан 21-мартгача қўламовзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлиги тўғрисидаги қарори Наврўз байрамни муносиб қутиб олиш, қолаверса, эрта баҳорги ишларимизнинг дечобаси бўлди дейиш мумкин. Қарорга жавобан жойларда кўчат экиш, ариқ-зовурларни тозалаш, умуман ободончилик ишлари кизгин тус олганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Суратларда: Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани тажриба участка ҳўжалиги бўш мутахассиси Эгамберди Мелиев кўчат сифатини кўздан кечирмоқда; Тошкент тумани А.Абдурахмонов ширкат ҳўжалиги пудратчиси Йўлдош Носиров ўз боғига шакл бериш билан банд.

Б. АКРАМОВ олган суратлар.

## Ўқувчилар учун янги дарсликлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз Исрол Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ички амаллар ошириш учун мактаб ва лицейлар ўқувчилари учун янги дарсликлар яратиш ва чоп этишни тўддан яхшилаш борасидаги масалалар муҳокама этилди.

Бу масала қўмитанинг етакчи наشريётлари ва матбаа корхоналарининг доимий диққат марказида турибди. Хозирги кунда ноширлар ва матбаачилар 2001-2002 ўқув йили учун Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига мувофиқ 362 номда 25,3 миллион нусхадаги дарсликларни режа асосида чоп этмоқда. Бугунги кунгача давлат бюджети ҳисобига ўзбек ва қардош тилларда ўқитиладиган мактабларнинг 1-синфлари учун белгиланган 54 номдаги дарсликнинг 27 номдаги 4 миллион нусхаси чоп этилиб жойларга етказилди. 2-11 синф ўқувчилари учун дарсликлар нашр этиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Айниқса, «Ўқитувчи», «Ўзбекистон» ва «Билим» нашриётлари китобларни юқори нави қозғоларда чоп этишга алоҳида эътибор берайти.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизда рангли босма махсулотлари тайёрлашда хорижий матбаа корхоналаридан қилинмайдиган замонавий босма маҳоналар барпо этилмоқда. «Растр» қўшма корхонаси ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда китоблар, журналлар, турли бичимдаги йилномалар, плакатлар, рангли альбомлар, реклама нашрлари нафақат республикамиз учун, балки хорижий давлатлар буюртмалари асосида ҳам нашр этилмоқда. Тизимдаги корхоналар ичда асосий экспорт топширигини ана шу босма маҳона адо этмоқда. Босма маҳона жамоасига ўз экспорт имкониятларини янада кенгайтириш ва китобларимизни чет элларда тарғиб қилиш мақсадида бу ишга «Ўзқитобсавдот» жамоаси тармоқларини ҳам жалб этиш вазифаси юкланди.

(ЎЗА)

## Ҳисобини билмаган раислар

Ҳамма жойда бўлганидек, Андижонда ҳам қишлоқ ҳўжалик раҳбарларининг ҳафталик ўқув бўлиб ўтди. Гапнинг индаллоси бу галги ўқишлар аввалгиларига нисбатан жонли ҳамда мунозараларга бойлиги билан ажралиб турди. Ўқув давомида элга эш бўлиб, бирни икки қиламан деб, одамлар даврасида етакчилик вазифасини ўтаётган ҳўжалик раҳбарлари ҳар бир дарсада фаоллик кўрсатишди.

Маърузачиларга берилган асарият саволларнинг ағалари илғор ҳўжаликларнинг раислари бўлишди. Лавозимини ўзига берилган амал деб юрувчи ҳўжалик раҳбарлари эса ҳафта давомида дарсларга келиб кетишган бўлсалар-да, лоқал лабларини қимирлатиб қўйишга ҳам ҳаракат қилмадилар.

Дарсларнинг бирида икки ҳўжалик раҳбари пичирлашиб қолишди.

«Сиздан қанча кетди? – сўради ҳамкасбидан. У эса пинагини бузмай: «Юз миллион атрофида, - деб жавоб қайтарди.

«Биздан ороқ – 80 миллион... Худди шу пайтда марказдан борган маърузачи қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини молиявий жиҳатдан янада соғломлаштириш борасида ҳукумат қўрган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритаётган эди...»

Танафус чоғида дарсларга мажбуран қатнашаётганлигини аққол сездириваётган ҳўжалик раҳбарлари билан гурунглашиб қолдик. Гап айланиб, йил якуни ва ижара-чилар оладиган даромадларга бориб тақалди.

«Бизникилар аллақачон ҳақини олиб бўлишган, - деди суҳбатдошларимиздан бири. - Қани айтинг-чи, шаҳарда бир боғ ғўзапо қанча туради? Савол берган ҳўжалик раҳбари жавоб олиб улгурмасданок яна гап-ра кетди. Унинг айтишича, бир боғ

ғўзапо 80-100 сўм атрофида экан. Бир гектар ери бор деҳқон ҳафсала қилса, 500 боғдан ошириб ғўзапо оларкан. Пулга қачилса, эҳ-ҳе фалон сўм...»

Раисга раҳимимиз келди. У ҳам нима қилсин. Қалласида бори шу. У фақат оёғи остидаги нарсанигина кўра олади. Эртанги кунни ҳақида гап очсангиз, юзингизда кўзингиз борми, демайди.

### ТААССУФ

Олий Мажлис томонидан «Ширкат ҳўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг кўплаб раисларнинг ҳаракатга келиб қолганилиқлари тўғри. Айтиш жоизки, мана шу қонун қишлоқ одамларини эркин-эмин меҳнат қилишига, шунга яраша ҳаёт кечирishiга мустаҳкам пойдевор яратди. Шундан келиб чиқиб, эртанги гапнинг айтиш раислар ҳар бир ижарачи билан алоҳида-алоҳида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Ана шундай жойларда деҳқон ҳисоб-китобни обдон билиб олиш йўлига ўтди. Ишлаб чиқараётган махсулотни қўпайган сари манфаатдорлиги ҳам шунга яраша кўтарилиб боришини ҳис эга бошлади. Ўтган йилнинг галла мавсумида бир-икки қол эмас, балки, тонна-тонна галлини дарвозаси ёнига тўқкан ижарачиларга қимлар ҳавас қилмади, дейсиз. Қрунча биноан ишчи қучларининг бир қисми бошқа соҳаларга йўналтирилди. Ана шундан келиб чиқиб ҳўжаликларда ёрдамчи ҳўжалиқлар тармоғи кенгай борди. Фаландан бўшаган майдонларга даромоди барақалироқ бўладиган экин-ин шартнома асосида экиш одат тусига кирди. Бу билан деҳқоннинг ишиси бўлиб қолиши барҳам тоғди. Ҳўжалик эса қўзда тутилмаган қўшимча даромадга эга бўлди.

Иқтисодий ислоҳотлар бораётган экан, қийинчиликларнинг бўлиши ҳам табиий. Буни ўтиш даврининг

махсули деб билаётган раҳбарлар одамларни ҳаракатга келтириш учун юзага келаётган гоғаларни амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирларини қўриятлар. Одамлар онгда янгица қишлоқ, иқтисодий қонунларга суянган ҳолда меҳнат қилиш каби шу куннинг таомиллари обдон тарғиб қилинати. Натияжада, ана шундай муҳит қарор тоғган ҳўжаликларда ишлар юришидан юришиб бормоқда. Бугун кўплаб ижарачилар дивиденд деган сўзингиз маъно мазмунини тушунтирибгина қолишмасдан, балки, унинг амалдаги ифодасини ҳам кўра бошладилар.

Вилоятнинг оқсоқол раиси, Олтинқул туманидаги «Намуна» ҳўжалиги раҳбари Мамажон ота Ҳамраев иш ҳақларини ойма-ой беришдек олижаноб мақсадига еришди. Ўтган йилги якун бўйича ижарачилар билан ҳисоб-китоб январ ойидаёқ ниҳоясига етказилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН - БМТ: ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

1992 йил 2 март. БМТ Бош ассамблеясининг 46-сессияси бошланди. Бугунги мажлисда Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул қилинди. Бу қарор ақдиллик билан маъқуллаш асосида, овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинди.

Бу сана ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Шу кундан БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳи олдида Ватанимиз байроғи ҳилпирай бошлади. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Давлатимиз БМТга аъзо бўлар экан, ўзининг халқаро ҳамжамият низомига ва асосий қоидаларига содиқ қолишини маълум қилди. Мамлакатимиз Конституцияси, эхтиром поғонасига қўтарилган умуминсоний қадриятлар - инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг яшashi, меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиш каби қонунлар Ўзбекистон тутган йўл ушбу халқаро ҳамжамият мақсадларига уйғун эканини кўрсатади.

Президент Исрол Каримов раҳбарлигида ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини таллаб олган Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданок БМТ шафеълигида амалга оширилаётган жаҳоншумул тадбирларда фаол иштирок этиб, халқаро муаммоларни ҳал этишда ўз ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Бу эса сўзсиз, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини оширмоқда.

Жумладан, 1993 йили Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида имзоланган битимга асосан, мамлакатимизда БМТнинг доимий ваколатхонаси фаолият бошлади.

(Давоми 2-бетда)

### МАВСУМ

Сўнгги йилларда Наманган вилоятидаги қатта-кичик йиғинларда «Учқўрғонликлар намунаси», «Учқўрғон тажрибаси» деган иборалар тез-тез тилга олинмайдиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас.

Туман деҳқонлари иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга инчилик билан татбиқ этиб, янгиликка интилиб, изланиб ишлаб меҳнатда қувончли ютқ...

## УЧҚЎРҒОНЛИКЛАР НАМУНАСИ

ларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Хар гектар майдондан 46 центнердан галла, 34,5 центнердан пахта йиғиштириб олинди, вилоятда энг яхши натижага эришилди. Қишлоқ ҳўжалигидан 3,5 миллиард сўм даромад олинди. Соф фойданинг ўзи 350 миллион сўмини ташкил этди. Фалла мавсуми якуни билан режасини ошириб барларан 132 нафар оилавий пудратчига 400 тонна галла тақсимлаб берилди.

ликнинг ўнинчи йили баҳорини юксак эзгу-мақсадлар билан қутиб олдилар. Улар катта тўй йилида 38 минг тонна пахта, 30 минг тоннадан зиёд галла етиштириш, қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам арзигулик ютуқларга эришиш учун қўллагни юмушларни кизгин олиб бормоқдалар. Ўтган йили 6147 гектар майдонга галла экилиб, қузнинг ўзидаёқ тўла гектарлар яратиб олинган эди. Айни кунларда галлазорлар иккинчи марта озиклантириляпти.

(Давоми 2-бетда)

## «ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ»

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг янги аср, янги минг йилликдаги ilk сони тақдими бўлиб ўтди. Унда ушбу нашр муаллифлари, исломшунос олимлар, таниқли адабиётчилар, тарихчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад очар экан, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан чоп этилаётган мазкур журнал маънавий-маърифий, илмий, адабий йўналишдаги нашр сифатида жамиятимиз ҳаётига чуқур кириб бораётганини таъкидлади.

Журналнинг янги сони буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган бўлиб, унинг ҳаёти ва ижодий ҳаёти меросига доир ранг-баранг материаллар, шунингдек, диний-маърифий мавзулардаги мақолалар ўрин олган. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов билан «Навоий - олди-миздаги юксак чўққи» сарлаҳлиги суҳбат, адабиётшунос олимлар О.Шарафиддиновнинг «Мангу барҳаёт даҳо», А.Ҳайитметовнинг «Исломий эътиқод ва буюк ижод махсули» мақолалари катта қизиқиш билан ўқилади. «Истеъфог ахтиёби», «Катта Лангар Қуръони», «Термиз - мардрал шаҳри» каби мақола ва суҳбатлар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Маросимда сўзга чиққанлар журнал маънавиятимизнинг мустаҳкам илдизлари - миллий ва диний қадриятларимиз билан халқимизни янада кенгрок таништирибгина қолмай, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Шунингдек, анжуманда журнални мазмун жиҳатдан янада бойитиш ва оммавийлаштириш зарурлиги юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

(ЎЗА)

### ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН

«Олмаҳон опа, Хоразмнинг машҳур ҳофиси Комилжон Отаниёзовнинг падари бузуқворларни шоир, ҳатто, санъатни яхши тушунган одам бўлган. Отажон Худойшукроровнинг амакиси таниқли хонанда, Ортик Отажоннинг она томондан момоси ширали овоз соҳибаси бўлганлар. Нима демократиянингизни тушундим. Сизнинг ҳам

«Мақтабда қандай ўқигансиз? Тўғриси, қачқон, интизомли, озода ўқувчилардан саналсам-да, айрим фанлардан ўзлаштирилмаганим учун синфда қолган пайтларим ҳам бўлган. Жамоат ишларидида фаол эдим. «Санъатга қизиқингиз қачон ва қандай уйғонган? «Йўрғакда теккан» деган гап бор. Қўшиқ айтишни болалигимдан бошлаганман де-

## СОЗ БИЛАН СУҲБАТНИ ЁЛҒОН ДЕМАНГЛАР...

«Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси Хоразм вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Олмаҳон ҲАЙИТОВА билан суҳбат

оилангизда санъатга алоқадор кишилар бўлганини де-моқчисиз? «Худди шундай. «Раҳматли отам Ҳайитбой Бекниёзов воҳода танилган иморатсўз уста бўлган. Печни жуда яхши қурсалар керак, хон саройидаги печларни қуришда ҳам иштирок қилганлигини сўзлардилар. Санъатни се-вардилар-у, бирор мусиқа ас-робини қўлига олган эмаслар.

сам, тўғри бўлади. Онам оқват пиширғанлариди ўчоққа ўтин қалардим-у, оташқуракни «тор» қилиб, неча маротаба дакки еганман. Жуда ёшли-гимдан мол боқардим. Подачи таъбини худди торни ушла-ғандай тугиб, ўша пайтларда эшиттириш бошланганидан олдин радиода бериладиган ўйноқи қўйни озгим билан ча-либ борардим. Ўтлоқда эса кун бўйи ашула айтиб, бола-ларни рақсга туширардим.

(Давоми 4-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:

ЗАМОНАМИЗ КАҲРАМОНЛАРИ КИМ?

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

МИСЛИ БУЛОҚ СУВИ, ЗИЛОЛ БЎЛҒАЙМАН...

ҚОМУСИМИЗНИ ҲАММАНДАШ ҲАММАНДАШ ҲАММАНДАШ

64-модда - Ота-оналар ўз фарзандларини воқеа еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг ва-сийлигиндан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлайди, болалар бағишланган хайрия феолиятларини рағбатлантиради.

Фарзандларнинг яшаш, камол топиши учун ана шу бирдан-бир макон ва табиий муҳит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу моддага ва

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасига асосан, бола туғилган ва яшаш турган оиланинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ҳаммуҳим қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вази-фасари юклатилади.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларини 18 ёшга етгунча қадар моддий таъминлаш ва тарбиялаш мажбуриятлари буларнинг болалар ва жамият олдидagi мажбуриятларидир.

Ота-оналар ўз фарзандларига етмаган фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ота-она воқеа етмаган болаларига, шунингдек, воқеа етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз, ердамга муҳтож болаларига таъминот беришга мажбурдирлар.

Фарзандларни боқиб де-ганда уларнинг ҳаётда яшаш, улғайиши ва жамият учун фойдали ишларни амалга ошириш учун еб-ичиш ҳолати тушунилади.

Бизнинг жамиятда етим-есирларни бошлаша, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлаб, уларнинг тарбиясини йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ишларни давлат ўз зиммасига олади. Республикада 42 та болалар уйлари бор. Уларда 5 мингдан ортиқ болалар таълим олмақда. Етимларни асраб олаётган оилаларга давлат ва жамият ҳаммуҳимлигини кучайтиришимиз лозим.

Оилани фарзандлар тарбиясининг тўғри йўлга қўйилиши, уларни умуминсоний кадрлар, ахлоқий нормалар руҳида тарбиялаш эр-хотиннинг муҳим шахсий ҳуқуқи ва вази-фаларидан ҳисобланади.

Болаларни тўғри тарбиялашда ҳуқуқий нормаларни билиш, давлат ва унинг қонуналарини ҳурмат қилиш, улар талабларига оғишмай риоя қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқий нормалар ёш авлоднинг меҳнатга тўғри муносабатда бўлиши, давлат ва жамият ол-душига ўз бурчларини тўғри тушуниши ва уни оғишмай амалга ошириш руҳида тарбиялади.

Воқеа етмаган болаларнинг ўз ота-оналари га муҳим роли бўлади. Ҳуқуқий нормалар ёш авлоднинг меҳнатга тўғри муносабатда бўлиши, давлат ва жамият ол-душига ўз бурчларини тўғри тушуниши ва уни оғишмай амалга ошириш руҳида тарбиялади.

Воқеа етмаган болаларнинг ўз ота-онаси томонидан шахсан тарбияланиши, манфаатларининг таъминланиши, ота-она билан оиланинг бирга яшаш, уларнинг ҳар томонлама камол топишига, инсоний кадр-қимматларининг ҳурмат қилиниши-га, яхшилик ва мурувват туйғу-лари асосида тарбияланишларига имкон беради.

Болаларнинг ўз ота-онаси билан бўлиши БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарори билан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциянинг 7-моддасида ўз аксини топган. Воқеа етмаган боланинг ота ёки онаси дегаданда, қонуний никоҳда турган эркак ва аёл ёки қонун билан белгиланган тартибда оталиги ва оналиги аниқланадиган, фуқаролик ҳолати далолатномаларини кайд этиш дафтарида боланинг отаси ва онаси сифатида кўрсатилган (ёзилган) шахслар тушунилади. Шунингдек, Конвенциянинг 14-моддаси 2-бандига асосан, ушбу Конвенцияга қўшилган давлатлар ўзларининг миллий шартлари, аъна-наларини ҳисобга олган ҳолда ва ўз моддий имкониятларидан келиб чиқиб, ота-она ва болаларни тарбияловчи бо-шқа шахсларга ердам бериш-лари лозим эканлиги назарда тутилади. Бу муҳим масалани тўғри ва самарали ҳал этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва зарур бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

ЎЗБЕКИСТОН - БМТ: ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ Йўлидаги САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

(Боши 1-бетда) Шундан буён тинчлик ва тараққиёт йўлидаги Ўзбекистон-БМТ ҳамкорлигининг қўламини йилдан йилга кенгайтириб бормоқда.

Президент Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган илк тарихий маърузаси халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушундан давлатимиз раҳбари бирлашган миллатлар ташкилотининг Марказий Осиё ёки дунёнинг бошқа минтақаларида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фаолиятини тақомиллаштириш тақлифини билдирди. Улар орасида Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари қабул қилиниши ҳақида ташаббус ҳам бор эди. Шунингдек, ушбу халқаро анжуман муҳокамасига наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ва атраф муҳитини муҳофиза қилиш, кейинроқ эса, минтақамизни ядро қуролдан холи зона, деб эълон қилиш, ядровий қуролларни тарқатмаслик борасида таялй тақдирларни киритилди. Президентимиз ўзининг ўша тарихий маърузасида мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишини ўзида акс эттирган иқтисодий ислохотларнинг бешта таъминини таъкидлаб ўтди. Бу билан Ўзбекистон демократик, озод давлат, халқи фаровон жамият қуришда олий мақсадни кўзлаётгани намойиш қилинган эди.

Давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, атраф муҳит ва хавфсизлик масалаларида юзага келган муаммолар ҳақида сўзлагани бежиз эмасди. Зеро, бу муаммолар муаммоларга муаммолардан халқимизга, ёш муस्ताқил давлатимизга қолган мерос эди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 24 миллионлик нуфузга эга бўлган Ўзбекистон жугрoфий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзигагина ташкил қилади. Бинобарин, минтақамизда юзага келган турли муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон асосий ўрин тутди. Афғон можароси, Тожикистондаги фуқаролар уруши, минтақамизнинг наркотик моддалар ташиллашдан «каризон йўли»га айланиши, Орол денгизи ва унинг атрофида юзага келган экологик ҳалокат бир халқни ёки бир минтақа халқларини ташвишга соладиган муаммолар эмас. Алоҳида олинган бир ёки бир неча давлат уларни ҳал этишнинг уйдасидан чиқа олмайди.

Тез орада мазкур муаммоларга қарши курашда Ўзбекистон-БМТ ҳамкорлигида амалий ишлар бошланди. Давлатимиз раҳбарининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган конструктив ташаббуси БМТ шафёлигида «6+2» гуруҳи ташкил этилишига асос бўлди. «6+2» гуруҳининг 1997 йил ойида Тошкентда бўлиб ўтган тарихий учрашувида илк бор Афғонистондаги ўзаро муҳолиф томонларнинг юзма-юз музокараси учун имкон яратилди. Учрашув якунида «Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари» ҳақидаги декларация қабул қилинди. Кейинчалик БМТ Бош ассамблеяси ушбу декларацияга узоқ истиқболга эга бўлган кенг қамровли сиёсий ҳужжат мақомини берди.

Ўтган йил октябрда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни муостаҳкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашда умумий ёндашув» мавзусидаги ўтказилган анжуман ҳам ана шундай халқаро миқдoсдаги катта воқеа бўлди. Ўртбoшимиз бу муаммолар хусусида БМТ Бош ассамблеясининг кейинги сессияларида ҳам сўзлади. Жумладан, ўтган йили БМТнинг «Мингилик саммити»да Президент Ислам Каримов яна бир бор халқаро ҳамжамият эътиборини Афғонистондаги қуролли можаро, халқаро террорчилик, наркотик моддалар савдоси ва экологик муаммоларга қаратди.

Президентимиз раҳбарлигида юристилаётган изчил ички ва ташқи сиёсат натижаси улароқ, Ўзбекистон халқаро майдонда ўзига муносиб обрў-эътибор қозонди. Бунда БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозир пойтахтимизда БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНИДО, ЮНДПҚ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳолишунослик жағмармаси каби ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда БМТ ҳамкорлигида хусусий ташкилоти, иқтисодий, соғлиқни сақлаш, экология, маориф ва маданият соҳалари бўйича қўллаб-қувватлаш алоҳида ўтказилаётган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан БМТ ўртасида тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам юксалаверишига умид уйғотади.

Саидмурод РАХИМОВ, Ў.А шарҳловчиси.

СИРДАРЁ ТОМОНЛАРДА

Буёқ мутафаккир Алишер Навоий таваллудига 560 йиллигига бағишланган тантаналар Сирдарёда ҳозир ҳам қизгин давом этапти.

НАВРЎЗА УЛАНГАН БАЙРАМ

Эндиликда у Наврўз умумхалқ байрамига уланиб кетмоқда. Яқинда, Олим Ҳўжаев номидаги вилоят мусикали драма театрида бўлган тадбирда ҳазрат Навоийнинг талабалар ва ўқувчилар томонидан ижро этилган газал ва рубоийлари томошабинлар томонидан қизгин қарши олинди. Наврўзни улугловчи куй-қўшиқлар ва шеърлар ҳам янгради. Санъаткорлар эса театрлаштирилган томоша кўрсатдилар.

Мазкур тантана яна шуниси билан эътиборга лойиқ бўлдики, унда 2000 йилда вилоят ҳокимлиги томонидан «Соғлом авлод йили»га бағишлаб уюштирилган «Энг яхши аср» учун кўриктанлов голиблари ҳамда йилнинг энг яхши журналисти, шоири, ёзувчиси, кўшкисчи, раққосчиси, режиссёри деб тан олинган ижодкорлар ҳокимликнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирландилар. О.СУЛТОНОВ

УЧҚЎРҒОНЛИКЛАР НАМУНАСИ

(Боши 1-бетда)

Барча пахта пайкаллари куз оқламадан туриб сўғориб, ўғитланиб, чуқур ва сифатли шудгорлаб қўйилганда. Пушта олиш қизгин давом этаётган бир пайтда қалин қор ёғди. Бу пайтда энди учқўрғонликлар бутун диққат-эътиборларини мавжуд машина-механизмларни таъмирлаб, қўллагчи юмушларга тахт қилиб қўйиш ишларига қаратдилар. 150 дан зиёд саялка, шу жумладан 50 та плёнка остига чигит экиш саялкаси, юздан зиёд хайдов ва чопиқ тракторлари ва бошқа техникалар сифатли таъмирлаб мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Ҳар бир ҳўжаликнинг машина трактор паркни тўлиқ таъмирлаб, бу ерда механизатор ва чилангарлар учун сауна, дам олиш хонаси, ошона ва ёрдамчи ҳўжалик ташкил этилди. Ердамчи ҳўжаликда сигир, қўй, ларранда парваришланиб, ишчилар иссиқ овқати бепул қилиб қўйилди.

«Техника деҳқоннинг қаноти, суянч тоғи, - дейди туман машина трактор парк хиссодорлик жамияти бошқаруви раиси Шайдулла Нуриддинов. - Биз мавжуд техникаларнинг умрини узайтириб ишлатишга, ҳўжаликлар машина трактор паркларини янги, замонавий техникалар билан бойитиб боришга катта эътибор беряптимиз. Бу орада Вазирлар Маҳкамасининг лизинг йўли билан қишлоқда техника етказиб бериш ҳақидаги қарори айни мудида бўлди. Ана шу қарор асосида лизинг компаниясига 31 миллион сўм ўтказиб, қирққа яқин янги техника олиш имкони-га эга бўлди. Бу билан шу йилнинг ўзида 30 фойз техникамизни янгилаб оламиз. Эндиликда бизда ҳар 45 гектар ерга битта трактор тўғри келади.

Туман машина трактор паркни ўтган йили ҳўжаликларда 217 миллион сўмлик ўрнига 285 миллион сўмлик механизация ишларини бажарди. 60 миллион сўмлик ўрнига 84,1 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. 18 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу ернинг ўзида 2,5 миллион сўмлик янги эҳтиёт қисмлари тайёрланиб, жойларга етказиб берилди.

Машина трактор парк марказий устакона-сида ҳақиқий ўз ишининг усталари меҳнат қиладилар. Айни кунларда туман далаларида пушта олаётган ўнта чизел мосламаси улар иходи маҳсули. Қудратли «Мангум» русумли тракторга тиркалган бу мослама ҳам ерни чуқур юмшатиб, ҳам ўғитлаб, ҳам пуштасини олиб кетади.

«Бу янги мосламанинг ҳар бири асли бир миллион сўм туради, - дейди Ш.Нуриддинов. - Биз эса буни эски релс ва темир-терсақлардан бор-йўғи 80 минг сўм сарфлаб тайёрляял-миз.


Ҳар бир мослама билан кунига 40-50 гектар майдонни чуқур юмшатиб, ўғитлаб, пуштасини олиб қўйиш мумкин. Бу демак, мавжуд чигит экиладиган пайкаллари ўн беш иш кунига тўлиқ қўлдан чиқарилади. Энг муҳими йиллик азот нормасининг қирқ фоизи пуштаннинг ўзига солиб кетилади. Юмшoқ, ўғитланган ерга тушган чигит эса тез униб чиқади, илдизи бақув-ват, соғлом бўлади.

Бу йил учқўрғонликлар 1200 гектар майдонга плёнка остига чигит экишни режалаштиришган. Аслида бу ишга 20 та саялка кифоя. Лекин, туман механизаторлари қирқта саялка-ни плёнка остига экишга мослаштирдилар. Мақсад, экишни тез, сифатли ўтказиш.

Ҳозирнинг ўзида 70 фойз майдоннинг пуштаси олиб қўйилди. Яна узoғи билан бир ҳафтада бу иш ниҳоясига етади. Ана ундан сўнг экиш саялкалари майдонга тушади. Бу йил саялкалар ҳам «янгилик» бор. Ҳар бир саялка аниқ уялаб қўйилган мосламалар ўрнатил-ган. Бу, биринчидан, чигит сарфини кескин камайтирса, иккинчидан, янганга кетадиган харажатларни тежаб қолиш имконини бера-ди.

Учқўрғонликлар бу мавсум экишни ўн икки иш кунига ниҳоясига етказишга аҳд қилишган. Бу эса мўл, сифатли, эртаги пахта етиштириш имконини беради.

Ортиқали НОМОЗОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Ўзбекистон Қаҳрамони Бекдурди Жуманиёзов бошлиқ бригада жамоаси бу йил 84 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Шундан 25 гектар ерга кузги бугдой экилган бўлса, қолган майдонларда баҳорги чигит экиш мавсумига қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Жамоа аъзолари бу борада нафақат «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида, Балки Хива туманида ҳам пешқадамлик қилишмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Бекдурди Жуманиёзов пудратчи Вапо Салоев билан галдаги ишлар ҳақида сўхбатлашмоқда; Янгириқ туманида ҳам чигит экиш учун техникалар тахт қилиб қўйилди.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда)

Мазкур ҳўжаликда галла ранг олгунга қадар етадиган нарса омборда бор. Иш ҳақида эса асло узилмиш бўлмади. Шу тумандаги С.Ашуров номи, «Тошкент», Андижон туманидаги И.Бакиров номи, «Ҳақиқат», Оқун-бобоев номи, Асака, Шахрихон, Избоскан, Балиқчи, Қўрғонтепа, Жалақуд туманларидаги яна ўнлаб ҳўжаликлар яқун бўйича ижарачилар билан ҳисоб-китобларни деярли амалга ошириб бўлдилар.

Иқтисодий ислохотларнинг якуни ўқув самараси билан баҳолангани. Ҳуқуқ давомида қишлоқ ҳўжалигини қимматлаштириш тадқиқот марказининг директори Каримжон Ис-моилов тингловчилар эътиборига анчагина рақамларни хавола қилди. Вилоят бўйича бир гектар пахта майдонига 235 килограмм соф азот берилди. Ҳар бир килограмм соф азот ҳисобига ўртача 13,7 килограммдан ҳосил тайёрланди. Избоскан туманида гектарига 220 килограммдан соф азот солинди. Бир килограмм соф азот ҳисобига 17,9 килограммдан пахта етиштирилди. Балиқчи туманида бу кўрсаткич 17 килограммга тўғри келди. Келтириб ўтилган бу рақамлар-ни мағзини чаққан чакди, чакма-ган эса пинагини ҳам бузмади. Худди шундай ҳисоб-китоб галла етиштиришда ҳам мавжуд.

Тўғри, баъзи бир ношуд ра-ислар айтмоқчи, омиллий воси-талар қиммат. Бирок, жойлар-да улардан қанчалик самарали фойдаланиляпти? Гап шунинг устида. Келинг, яхшиси икки тумандаги икки ҳўжаликда олинган иқтисодий натижалар-ни қўйсалаб кўрайлик. Андижон тумани-да И.Бакиров номи ҳўжалик бор. Экинзорлар текисликда эмас, кир-адирларда. Бу ерда гўзанинг «Оқ-дара-р6-6» нави парвариш қилинади. Иш-лов жойида бўлди. Натижада ҳосилга барака кирди. Сентябрь ойининг бо-шидаяқ 2365 тонналик режа бажарил-ди. Якунда эса ялпи пахта кирмони 3006 тоннадан ошди. Режанинг бажари-лиши 127,13 фойзга тенг бўлди. Ҳосилдорлик гектарига 41,88 цент-нер. Биринчи нав салмоғи 120 фойз-дан мўлроқ. Бу ерда бамаблашқат иш-тутуши, янгилик сари интилиш ва энг муҳими бир-бирини қўллаб-қувват-лаш кайфияти ҳамма ҳўқурмон. Яқун бўйича ижарачилар 17 миллион сўм-пулни кўртдаги санаб олишди. Иш-юритиш учун энг зарур бўлган ёни-лғи-мойлаш маҳсулотлари харажати-

га бир кўз ташлайлик. Режа бўйича 126,5 тонна автобензин ишлатилиши белгиланган эди. Амалда эса йил да-вомида 114,4 тонна сарфланди. Ди-зель ёнилғиси фонди 497 тонна, иш-латилгани эса 432,2 тонна. Жорий йил деҳқончилиги учун юз фойз майд-онга бугдой далалар гўзалопадан то-залангандан сўнг экилди. 300 гектар-дан зиёд майдонга пушта олиб қўйил-ди.

Пахтаобод туманидаги «Гулистон» ҳўжалиги бошқаруви раиси Шавкатбек Жалилов вилоятдаги нуфузли йиғи-лишларнинг бирида барча ҳўжалик раҳбарларини ўзидан ибрат олишга

ўрнига 233,8 тонна автобензин ишла-тилган. Дизель ёнилғиси харажати 829 тонна. Таассуфки, мазкур ҳўжа-ликда юз фойз белгиланган майдонга бугдой уруги гўза қатор ораларига сепилди. Бирон бир гектар майдонда эса пушта олинмаган. Шунча ортиқча автобензин олинганига қарамай, ту-мандаги 59-автокорхонадан автобус-лар ёлланган. Бунга кетган харажат ҳам 3 миллион сўм атрофида. Бошқа пойма-пой харажатлар ҳам анчагина. Бу ерда ишлаётганлар йил якунида дивидендга гўзалопа олмай нима олишсини? Бундай ҳисоб-китобни Пахтаобод

Кирғизистон Республикаси билан че-гарадош. Божхона ва чегара посбонла-ри томонидан назорат ўрнатилишига қарамай, пахтанинг бир қисми четга олиб чиқиб кетилди». Тўғри, туманда пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Тайёрланиши мўлжалланган ҳосил бил-ан ҳақиқатдаги ўртасидаги фарқ 1848 тонна. Бу 7 фойздан кўпроқ пахта дегани. Тегилши идораларда бу ҳақда маълумотлар йўқ. Андижон вилоятида фақат Пахтаобод туманига Кирғизис-тон билан чегарадош эмас. Чегара худудига жойлашган ўнлаб ҳўжалик-ларда йиллик режалар 120-130-150 фойзгача бажарилди. Қўшни Кирғизис-тон билан бир ариқдан сув ичиб, деҳқончилик қиладиган избосканликлар режани салкам 122 фойзга, жалақудликлар эса 120 фойзга бажаришди-ку!..

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари биттан хат нимага ишора? Миллий манфаатга хиё-натми ёки тумандаги бошқарув услубининг охирилиги? Ҳам-манинг кўз ўнгида турадиган оппоқ пахта қўшни давлатга ўтиб кетган бўлса, демакки, маъданли ўғитлар ҳам, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳам бу-ндан мустан эмас. Бундан ижа-рачиларнинг қанчалик зиён кўрганлиги эса қоронғи. Бирок, чек усулининг кенг қўламада харақатга келмаётганлиги эса кундузгидек равшан.

Афсуски, иқтисодий жиҳат-дан ночор, харажатлари ба-ланд ҳўжаликлар фақат Пахтаоб-од туманидагина мавжуд де-сак, янгиликлар бўлмади. Уму-ман иқтисодий бўҳронга чина-кам давони ислохотларнинг бориши ва унинг таҳлилларин-га бера олади. Бу борадаги ишлар-нинг бир текис бормаётганлиги эса ижарачига гўзалопа, халққа ёлғон ваъ-да бериб, атрафга дивиденд тарқат-ди деб, қариллаб юрган ҳўжалик раҳбарларнинг «гуллаб-яшнаши»га имконият эшикларини ланг очиб бе-рапти, холос.

Бу дардга ҳар қайси раис ўз лаёқ-ати, салоҳияти ва иқтисодий малакаси-га яраша малҳам топишга интиляпти. Ачинарлиси, айрим раҳбарлар ҳўжа-ликдаги қўчмас мулкларни «қимовши» савдосига қўйиш орқали молиявий аҳолини яхшилашга умид боғлаётпа-лар. Ахир, бу ой ури билан дард суви-ни қайнатишга уринишда пуч гап-ку. Ана шунга айтар эканлар-да «бошлиқ нўоқ бўлса, урди ҳудо».

Кобилжон АСАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ҲИСОБИНИ



БИЛМАГАН РАИСЛАР

даъват эди. Эмишки, бу ерда деҳқон-чиликнинг энг янги усуллари ижарачи-ларнинг «йўлчи қолдузи»га айланди. Юсак минбарда бу ҳақда шу қадар катта гапирган раиснинг «оташин» нут-қидан вилоятдаги барча ҳўжалик раҳ-барлари ҳозиргача хайрон... Ваҳолан-ки, мазкур ҳўжалик маъданли ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда бошқа захиралардан бесамар фойда-ланишда ҳақиқатдан ҳам пешқадам... Сабоби бу ерда меҳнат қилаётганлар халигача чек усулининг нимагини ва пировад натижада нима беришлигини амалда билмайдилар.



ЕТТИ ИКЛИМДАН

БИР ШИНГИЛ

ПУТИННИНГ ТАКЛИФИ

Россия таълим вазири Владимир Филиппов фикри-ча, Оврпуо давлатлари учун умумий тарих фани бўйича ягона қўлланма яратилиши керак. «Россиядаги таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривож-лантириш» мавзусида Петербургда бўлиб ўтган халқаро конфе-ренцияда у ана шу масалани ўртага ташлади. Унинг таъкидла-шича, мазкур дарсликни яратиш тўғрисидаги таклиф президент В.Путин томонидан қўйилган.

КАСАЛЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Кения давлатининг марказий худудларидан бири бўлиши Эмбу ўлкасида 70 нафар одам ичтерлама ка-саллиги туфайли ҳаётдан кўз юмган, дея хабар беради Асошият-Пресс агентлиги. Аҳоли орасида тўсатдан пайдо бўлган бу хасталик билан оғриган яна 268 киши касалхонада даволанмоқда. Аммо, ҳуку-мат расмийлари шу кунгача бўлган қурбонлар сонининг қўпли-гини инкор эташтиради.

ЯШИРИН ҲЎКАЗИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Украина Республикаси хавфсизлик хизматининг со-биқ зобити Николай Мельниченко Марказий Оврпуо давлатларининг бирида яширин тарзда матбуот анжум-ни ўтказган. Зобитининг айтишича, унда муҳолифатдаги журналист Геор-гий Гонгадзенинг сирли ўлимида президент Леонид Кучманинг ҳам қўли борлигини рад этиб бўлмайдиган аудиоёзув бор эмиш.

ЖОСУСЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНМОҚДА

Воронеж шаҳрида АКШ фуқароси Жон Эдвард Тоб-бин гиёҳванд модда сотиб олаётган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Маълум бўлишича, рус олийҳокиминг аспиранти бўлмиш бу хорижлик олдин Қўшма Штатларда мудоафа вазирига инсти-тутида ўқиган, сўнгра Россияга ҳарбий разведка мактабида тахсил олиш учун келган экан, дея хабар беради «Газета Ру». Ҳозирда Америка айдоқчиси, дея гумон қилинаётган Эдвард Тоббин устидан жиноий иш қўзғатилди.

«ЯХШИ НИЯТ ЭЛЧИСИ»

Россия Федерациясида хизмат кўрсатган артист Филипп Киркоров БМТнинг «Яхши ниёт элчиси» унво-нин олди. Бундай юқори даражали унвоф фақат халқаро миқдoсда ҳурмат-эътибор қозонган, давлат вакили бўлишга муносиб кишиларга берилади. Рус эстрадаи юлдузидан аввалроқ мазкур унвоф 50 кишига берилган бўлиб, улар орасида россиялик шохматчи Анатолий Карпов, бразилиялик футболчи Рональдо, соғиб оғир ваэли боксчи Мухаммад Али, актёр Майкл Дуглас ва бошқалар бор, дейилади ИТАР-ТАСС агентлиги хабарига.

ДУШАНБА, 5

«Ўзбекистон» телеканаллари
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».

хумча». Бадийий фильм.
11.25 ТВ-анонс.
11.30 «Кунюк шаҳарча». Телему-

«Спорт» дастури:
14.10 Яккама - якка жанг. Таэк-
вандо.

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».
Пайшанба, 8
«Ўзбекистон» телеканаллари

21.55 CFI тақдим этади: «Хулио
Иглесиас Аргентинада» концерт
дастури.

«Жалқаро» телеканал
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИ.

18.15 «КВН-2001».
20.30 «Чарли Трубацдан салом».
Бадийий фильм.

Савол: Қандай ҳоллар-
да иш берувчи ишга қабул
қилишни рад этишга маж-
бур, ҳодим эса бу ишга
киришга ҳақли эмас?
Х.Абдуллаев,
Сирдарё вилояти.



«Ўзбекистон» телеканаллари
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ
БАРЧА ДЕҲҚОН, ФЕРМЕР, ШИРКАТ ВА ЖАМОА
ХУЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Янгийўл ёғ-мой» хиссдорлик жамияти раҳбарияти 2001 йилда
лаяли ва сугориладиган ерларда қунгабоқар уруғини экиб қўлайтириш юзасидан
ҳамкорликка чорлайди. Жамият хўжаликларга Молдавия Республикасидадан
келтирилган 102-106 нумрада пишиб етилмаган гибрид HS-8506, гибрид Сибиред-254
тнавли қунгабоқар уруғини отқазиб беришни, қунгабоқар донини қайта ишлашдан
қаладиган соф фойданинг 50-60 фоизини эса хўжаликларга қайтаришни ўз
зиммасига олади.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352-уй. «Янгийўл ёғ-мой» хиссдорлик жамияти. Тел: 2-61-35, 2-61-29, 2-61-64

«Дунё ва болалар».
17.15 Аёл қалби наволари.
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий
дастури: «Марра иштиёқда».

ЧОРШАНБА, 7

«Ўзбекистон» телеканаллари
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгилик-
лари» (инглиз тилида).

17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси:
«Имтиҳон».

17.00 «Ўзбекистон» телеканаллари
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Им-
тиҳон».

17.00 «Ўзбекистон» телеканаллари
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Им-
тиҳон».

Саволларга
жавобларни
хукушнор
Э.САЙТОВ
тайёрлади.

